



271 -- сонли

2019 йил "31" май

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил
27 майдаги ПФ-5729-сонли Фармонини вазирлик тизимида
рахбарлик ва ижро учун қабул қилиш тўғрисида**

Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони ижросини вазирлик тизимида таъминлаш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони рахбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур Фармон билан:

2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури;

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарида коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталар ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссияси раиси (полковник А.Муминов):

бир ой муддатда 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурининг ҳар бир банди бўйича мақсадларга эришишда **самарадорлик индикаторларини** ишлаб чиқсин;

2019 йилнинг 1 июль кунидан вазирлик зиммасига юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупция хавф-хатарларини вақти-вақти билан мажбурий баҳолаб боришга ҳамда унинг яқунлари бўйича:

коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган ходимларнинг фаолият соҳалари ва лавозимлари, шунингдек, уларнинг функциялари (ваколатлари)нинг рўйхати шакллантирилсин;

вазирлик тизимидаги коррупцияга қарши курашиш дастурлари ижросининг ҳар чораклик мониторинги амалга оширилсин ва коррупциявий хавф-хатарларни минимум даражага тушириш чоралари кўрилсин;

Идоралараро комиссия билан келишган ҳолда **ҳар йилги** вазирлик тизимидаги коррупцияга қарши курашиш дастурларини тасдиқлаб борилсин ҳамда коррупция хавф-хатарларига барҳам бериш бўйича таклифлар киритиб борилсин;

ҳар чоракда 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастурининг ижро этилиши ҳолати тўғрисида Идоралараро комиссияга ахборот киритилиши таъминлансин.

5. Вазир ўринбосарлари, вазирлик Марказий аппарати бошқармалари, Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси, ҳудудий Фавқулодда вазиятлар ва Ёнгин хавфсизлиги бошқармалари ҳамда таркибий тузилмалар, Ёнгин хавфсизлиги институти, Сейсмопрогностик мониторинг республика маркази, “Хавфсиз дарё” ДУК бошлиқ (командир)лари:

идоравий коррупцияга қарши курашишнинг самарали дастурларини амалга ошириш, уларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг очиқлиги механизмларини жорий этиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни бажариш орқали тегишли соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратаётган сабаблар ва шарт-шароитларни таг-томири билан йўқотиш барча раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси ҳисоблансин;

коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқламаганликлари ва тегишли баҳо бермаганликлари, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни такроран содир этиш ҳолатларига йўл қўйганликлари юзасидан шахсан биринчи раҳбарлар жавобгар эканлиги белгилансин.

6. Кадрлар бошқармаси (полковник С.Югай) **бир ой муддатда** ҳарбий хизматчиларни танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тартибига асосланган тизимни шакллантириш, улар учун чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бошқа механизмларининг аниқ рўйхати ишлаб чиқилсин.

7. Ҳудудий Фавқулодда вазиятлар ва Ёнгин хавфсизлиги бошқармалари ҳамда таркибий тузилмалар, Ёнгин хавфсизлиги институти, Сейсмопрогностик мониторинг республика маркази, “Хавфсиз дарё” ДУК бошлиқ (командир)лари:

уч кун муддатда мазкур Фармонининг мазмун ва моҳияти барча шахсий таркибга етказилсин;

ҳар ойнинг 5 санасига қадар иловада келтирилган дастур ижроси таъминланиши қатъий назоратга олинсин ҳамда вазирлик коррупцияга қарши курашиш комиссиясига ахборот киритиб борилсин.

8. Матбуот хизмати (катта лейтенант М.Садиқов) мазкур буйруқда белгиланган вазифалар бўйича амалга оширилган тадбирлар барча оммавий ахборот воситаларда мунтазам ёритиб борилиши таъминлансин.

9. Буйруқ барча шахсий таркибга етказилсин.

10. Мазкур буйруқ талаблари бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир в.б.
генерал-лейтенант**

A handwritten signature in blue ink, appearing to be 'T. Xudayberganov', written in a cursive style.

Т.Худайбергенов

2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш самардорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар
ДАСТУРИ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
1.	<p>Коррупциянинг хавф-хатарларини тахлил қилиш асосида, шахсий таркибнинг кенг қатламларини хабардор қилиш ва онг-билимларини оширишда мақсадли тадбирларни амалга ошириш, хусусан:</p> <p>Шахсий таркибда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат, коррупцияга қарши курашининг аниқ хулқини шакллантиришга қаратилган, коррупцияга қарши курашиш борасида кампанияларни ўтказиш;</p> <p>Коррупцияга қарши курашиш тарғиботи ва таълим бўйича чора-тадбирлар натижалари ва таъсирини мунтазам равишда баҳолаш;</p> <p>Ушбу соҳада кейинги чора-тадбирларни амалга оширишда баҳолаш натижаларидан фойдаланиш.</p>	<p>Видеороликлар, баннерлар, плакатлардан фойланган ҳолда</p> <p>Сўроқлар асосида</p>	2019 йил I июль	Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссияси
2.	<p>Шахсий таркибнинг коррупцияга қарши курашиш механизми ва тизими ҳақидаги ҳуқуқий билими ва хабардорлигини ошириш юзасидан аҳамиятга эга бўлган амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан кўйидагилар орқали:</p>	-	-	-

<p>коррупция омилларини аниқлаш, коррупция хавф-хатарларини бошқариш ва уларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирлар кўриш борасида шахсий таркибни даврий таълимга жалб этиш;</p>	<p>вазирлик тизимида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва ҳал қилиш борасида амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;</p>	<p>коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш масалалари бўйича махсус ўқув-методик ва бошқа адабиётларни яратиш.</p>	<p>даврий таълимга жалб этиш бўйича рўйхат тузиш.</p>	<p>2019 йил 1 июль</p>	<p>Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси</p>
<p>вазирлик тизимида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва ҳал қилиш борасида амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;</p>	<p>коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш масалалари бўйича махсус ўқув-методик ва бошқа адабиётларни яратиш.</p>	<p>Комиссия йиғилишини ўтказиш</p>	<p>2019 йил 5 июль</p>	<p>Вазирлик тизимидаги коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссия</p>	<p>Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси</p>
<p>3. Ёшларда коррупцияга қарши курашиш фаол дунёқараш ва мустақам фуқаролик нуқтаи назарини шакллантирадиган чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан:</p>	<p>коррупцияга қарши курашиш мавзусида ижтимоий тадбирларга ёшларни кенг жалб қилиш (клублар, тўғарақлар, форум ва бошқалар);</p>	<p>Чора-тадбирлар режаси</p>	<p>2019 йил 20 июль</p>	<p>Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси ҳамда Худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар</p>	<p>3.</p>
<p>4. Ҳарбий хизматчилар ишга қабул қилинганидан ҳамда муайян вақт ўтганидан сўнг, касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, манфаатлар тўқнашувини бартараф қилиш ва коррупцияга қарши курашишнинг бошқа йўналишлари бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини мажбурий равишда ўташ тартибини жорий этиш.</p>	<p>Фавқулодда вазиятлар вазирининг буйруғи лойиҳаси</p>	<p>2019 йил 1 сентябрь</p>	<p>Вазирлик Кадрлар бошқармаси, Фуқаро муҳофазаси институти</p>	<p>4.</p>	<p>4.</p>

ee

5.	<p>Коррупцияга қарши курашиш соҳасида, куйидагиларни назарда тутадиган тадқиқотларда вазирлик вакилининг иштирокини таъминлаш: коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг шарт-шароитлари ва сабабларини ўрганиш, шунингдек уларни бартараф этиш таклифларини ишлаб чиқиш; коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш;</p>	<p>Ишчи гуруҳ таркибига вакил ажратиш</p>	<p>2020 йил 1 январь</p>	<p>Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси ва Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссияси</p>
6.	<p>Куйидагилар ёрдамида, коррупцияга қарши курашиш чораларини ишлаб чиқиш ва бажариш жараёнида фуқаролик жамияти институтларини янада жалб қилишда мақсадли тадбирларини амалга ошириш: давлат органлари билан ўзаро муносабатлар ва қайта алоқани мустаҳкамлаш механизмларини кучайтириш; ижтимоий шериклик доирасида давлат органлари, шунингдек, жамоат кенгашлари фаолиятига фуқаролик жамияти институтларини жалб этишнинг шаффоф ва объектив мезонларига асосланган механизмларни белгилаш.</p>	<p>Ҳамкорликдаги режаларни тасдиқлаш</p>	<p>2019 йил 1 март</p>	<p>Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссияси, Худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар, Ёнгин хафсизлиги академияси</p>
7.	<p>Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштиришни назарда тутувчи “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш.</p>	<p>Қонун лойиҳаси юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш.</p>	<p>2019 йил 1 сентябрь</p>	<p>Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссияси</p>
8.	<p>Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий тизимлар самарадорлигини ошириш, шу жумладан: коррупцияга кўпроқ мойил бўлган соҳаларни аниқлаш; хизмат вазифаларини бажаришда ходимларнинг манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш ва уларни ҳал қилиш масалаларини лозим даражада тартибга солиш,</p>	<p>Фавқулодда вазиятлар вазирининг буйруғи лойиҳаси</p>	<p>2019 йил 1 сентябрь</p>	<p>Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси</p>

ee

	<p>шунингдек, ушбу мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликни ошириш; идоравий чора-тадбирларни амалга ошириш устидан ички назорат механизмларини кучайтириш.</p>		
<p>9.</p>	<p>Вазирлик ва жамоатчилик ўртасидаги муносабатлар сифатини яхшилаш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича вазирликнинг ишонч телефонлари иш самарадорлиги мониторингини таъминлаш, унинг натижаларини мунтазам ўрганиш ва натижалари юзасидан хар чорак якуни бўйича вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссиясига маълумотлар тақдим этиш.</p>	<p>Фавқулодда вазиятлар вазирининг буйруғи лойиҳаси</p>	<p>2019 йил июнь</p> <p>Ишлар бошқармаси</p>



2019 йил " 27 " май _____ № ПФ-5729 " _____ " _____ 20 _____

**Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини
янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида**

Кейинги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди. Аҳолининг ҳуқуқий оғли ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга муроғасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилди.

Ислохотларни амалга ошириш доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очкигини, жамоат ва парламент назоратини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилди, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ислоҳ қилинди.

Шу билан бирга, иқтисодиётни янада ўстириш, халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги стратегик вазифаларни ҳал этиш коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупция кўринишларининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича янги тизимли чоралар кўрилишини таъқозо қилмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш тизими самаралорлигини ошириш, энг юқори даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Қўйилганлар:

2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури (кейинги ўринларда – Давлат дастури) 1-иловага мувофиқ;

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси (кейинги ўринларда – Идораларо комиссия)нинг янгиланган тарқибни 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

01-263
19 29 05

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар икки ой муддатда Давлат дастурининг ҳар бир банди бўйича мақсадларга эришишда **самарадорлик индикаторларини** ишлаб чиқсин ва Идоралараро комиссия билан келишиб олсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарида **коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича** кўмиталар ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Идоралараро комиссия икки ой муддатда **коррупцияга қарши курашиш бўйича намунавий тadbирларнинг идоравий дастури**ни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича кўмиталарига муҳокама қилиш ва келишиш учун киритсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Жўржиги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари, туман ва шаҳар халқ депутатлари кенгашларининг таркибида **коррупцияга қарши курашиш комиссияларини** ташкил этиш тавсия қилинсин, уларнинг зиммасига:

жойларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги **иншларнинг** **холатини комплекс ўрганиш;**

жойларда коррупция кўринишлари намоён бўлишига олиб келадиган **тизимли муаммолар ва коррупциянинг ҳолати** тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича кўмиталарига ушбу соҳадаги фаолиятни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритган ҳолда мунтазам равишда ахборот бериб бориш функциялари юксансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) **коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг** **устувор йўналишлари** ўрта муддатли истикболда қуйидагилардан иборат:

суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, **судьяларга** **ҳар қандай тарзда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш** **шарт-шароитларини истисно этиш;**

давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тартибига асосланган давлат хизмати тизимини шакллантириш, улар учун чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бошқа механизмларининг аниқ рўйхатини белгилаш;

давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини **босқичма-босқич жорий** этиш ва уларнинг иш хақи етарли даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини халқ этишининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

**Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаоллият самарадорлигини
оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш
бўйича махсус комиссия
ТАРҚИБИ**

1. З.Ш. Низомиддинов – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари, Комиссия раҳбари
2. В.В. Махмудов – Ўзбекистон Республикаси Президенти Хўзуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби
3. Б.М. Мавлонов – Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари
4. А.А. Азизов – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раиси
5. У.К. Минтбоев – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси
6. К.Ф. Камиллов – Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси
7. О.Б. Муродов – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори
8. Б.А. Шаъкубов – Ўзбекистон Республикаси Президенти Хўзуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари
9. Н.М. Рустамбеков – Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари
10. Р.К. Давлетов – Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги
11. П.Р. Бобожонов – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги
12. М.Б. Азимов – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси раиси
13. Б.А. Мусаев – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси раиси



коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни химов қилишнинг самарали ташқиллий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш;

аҳолининг ҳуқуқий оғти ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятга коррупцияга нисбатан муросясиз муносабатни қучайтириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш;

фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш ва уларни коррупцияга қарши чораларни тайёрлаш, ўқазинишда ва ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга жалб қилиш;

б) идоравий коррупцияга қарши курашнинг самарали дастурларини амалга ошириш, уларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг очиқлиги механизмларини жорий этиш, одоб-ахлоқ қондаларига риоя этилиши ва манфаатлар тўқнашувининг олди олиншини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни бажариш орқали тегишли соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга нисбатан яратётган сабаблар ва шарт-шаронглари таг-томирни билан йўқотиш давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси ҳисобланади.

5. Белгилансиники:

а) 2019 йил 1 июлдан бошлаб давлат органлари зиммага юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупция хавф-хатарларини вақти-вақти билан мажбурий баҳолаб боради, унинг якунлари бўйича:

коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган давлат хизматчиларининг фаоллият соҳалари ва лавозимлари, шунингдек, уларнинг функциялари (ваколатлари)нинг рўйхатини шакллантиради;

идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурлари ижросининг ҳар чорақлик мониторингини амалга оширади ва коррупциявий хавф-хатарларни минимум даражага тушириш чораларини қўради;

Идораларро комиссия билан келишган ҳолда ҳар йилги идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурларини тасдиқтайди;

ҳар йили Идораларро комиссияга тегишли органлар ва ташкилотлар фаолиятини, шу жумладан, қонунчиликни ва ҳуқуқини қўллаш амалиётини тақомиллаштириш орқали коррупция хавф-хатарларига барҳам бериш бўйича тахидларни қиратади;

б) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқлаштириш ва тегишли баҳо бермаганликлари, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни тақдоран солир этиш ҳолатларига нўл қўйганликлари юзасидан шахсин жавобгар бўлади.

24.	Қ.М. Рафиков	–	Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси Кенгаши раиси
25.	Б.С. Юлдашев	–	Ўзбекистон Фанлар академияси президенти
26.	Ш.И. Жалилов	–	Ўзбекистон фахрийларнинг иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуруний" жамғармаси Марказий кенгаши раиси
27.	А.К. Эрнazarов	–	Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раиси
28.	С.Х. Ҳакимов	–	Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг раиси
29.	А.И. Икрамов	–	Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси
30.	Б.А. Хўжаев	–	Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири
31.	А.Х. Камиллов	–	Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири
32.	Ш.Д. Қудобиев	–	Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири
33.	И.У. Мажидов	–	Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири
34.	Ш.Х. Шерматов	–	Ўзбекистон Республикаси халқ таълим вазири
35.	А.В. Шин	–	Ўзбекистон Республикаси мақтабгача таълим вазири
36.	Ш.М. Садиқов	–	Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири
37.	А.К. Шалманов	–	Ўзбекистон Республикаси солиқнинг сақлаш вазири
38.	Т.А. Ишметов	–	Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг биринчи ўринбосари
39.	Е.С. Капязов	–	Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари – Тошкент давлат юридик университетини ректори
40.	М.Б. Азимов	–	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси
41.	Б.А. Мусаев	–	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси
42.	Б.А. Бегалов	–	Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раиси
43.	Н.Ш. Шарипов	–	Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси
44.	Д.Ф. Рахимов	–	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи
45.	А.Д. Халджаев	–	Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси вазирасини бажарувчи
46.	А.К. Кўчимов	–	Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори
47.	Х.Т. Азизов	–	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг биринчи проректори
48.	Е.В. Коленко	–	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси бошлиғи

Илоҳ: Комиссиянинг аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу аъзоларга янидан тайинланган шахслар киритилсади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги, Адлия вазирилиги, Халқ таълими вазирилиги Бош прокуратура билан биргаликда:

ёшларга коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим бериш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб татбиқ этсин;

умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларида **коррупцияга қарши мавзулар** янада қучайтирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилиги Бош прокуратура, Адлия вазирилиги, Молия вазирилиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирилиги билан биргаликда уч ой муддатда, шу жумладан техник инфратузилмани ва зарур дастурий таъминотни яратишга оид зарурий чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутган ҳолда муайян **тоифадаги давлат хизматчиларининг мулкчи ва даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича** тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Идоралараро комиссия (Н.Т.Йўлдошев):

2019 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тарикасида, жамоатчилик ва етакчи экспертларни, шу жумладан хорижий экспертларни жалб этган ҳолда дастлабки босқичда капитал қурилиш ва олий таълим соҳаларида **“Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини** амалга оширишни ташкил этсин, 2020 йил 1 апрелдан бошлаб лойиҳани бошқа соҳаларга ҳам босқичма-босқич жорий этсин;

хар йили 1 апрелга қадар тегишли соҳаларда **“Коррупциясиз соҳа”** лойиҳасини амалга ошириш якунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрациясига ахборот киритсин.

9. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар Давлат дастурининг ижро этилиши ҳолати тўғрисида хар чоракда Идоралараро комиссияга ахборот киритилишини таъминласин.

10. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича **махсус комиссия** (кейинги ўринларда – Махсус комиссия) 3-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

11. Қуйидагилар махсус комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

коррупцияга қарши курашишга йўналтирилган жамоатчилик назоратининг амалий чораларини ва қўлланилаётган ҳуқуқий механизмларнинг жорий ҳолатини таҳлил қилиш;

коррупцияга ва бошқа жиноятларга қарши тизимли курашиш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, шу жумладан ички идоравий назоратни амалга оширадиган бўлинмалар фаолиятини танқидий ўрганиш;

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси

ТАРҚИБИ

1. Н.Т. Ўзлушев – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси, Комиссия раиси
2. У.К. Минтоёев – Ўзбекистон Республикаси Сулҳлар олий кенгаши раиси
3. К.Ф. Камиллов – Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси
4. О.Б. Муродов – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори
5. Б.А. Рашидов – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг ўринбосари
6. Р.К. Давлетов – Ўзбекистон Республикаси ағлия вазири
7. П.Р. Бобоқонов – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири
8. Т.С. Абдуғаттаров – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг кўмита раиси
9. Б.Д. Матмуратов – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг кўмита раиси
10. А.Ж. Ходжиматов – Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директорининг биринчи ўринбосари
11. О.В. Рустамов – Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатаси раисининг ўринбосари
12. Р.Т. Камиллов – Фуқаролар жамияти шаклланишининг мониторинг килиши мустақил институт директори
13. У.Н. Мухаммадиев – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)
14. Д.С. Қосимов – Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Таъбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил
15. А.Х. Саидов – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори
16. А.Э. Бурҳонов – “Юрсагин” умуммиллий харакати раиси
17. Э.С. Тулянов – “Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори
18. Ш.С. Жавонов – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши раиси
19. А.З. Савдуглаев – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари
20. А.М. Каримов – Ўзбекистон нодавлат лойиҳалар ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси
21. Ф.Ф. Абдуҳоллиқов – Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси
22. Р.А. Убайдуллаева – “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори
23. Г.М. Маруфова – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари

коррупцияга қарши курашиш ва мазкур соҳада идораларо ҳамкорлик қилиш, шунингдек, коррупция кўринишларини содир этиш сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан комплекс чора-таъбирлар ишлаб чиқишда фойдаланилаётган механизмларни тубдан қайта кўриб чиқиш;

коррупцияга қарши курашиш ва жамоат назорати соҳасида умум эътироф этилган халқаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибасини ўрганиш.

12. Махсус комиссия (З.Ш.Низомилдинов):

а) бир ҳафта мудатда ўрганишнинг тегишли йўналишлари бўйича ишчи гуруҳларнинг таркибларини ҳамда уларнинг иш режаларини тасдиқласин, шунингдек, ишчи гуруҳларнинг самарали фаолиятини ташкил этсин;

б) 2019 йил 1 сентябрга қадар:

ҳуқуқни муҳофиза қилиш органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини, шу жумладан умум эътироф этилган халқаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибасини инобатга олган ҳолда ушбу фаолиятни ташкил этиш ва мазкур йўналишдаги функцияларини оптималлаштиришда ягона ёндашувларни жорий этиш орқали тубдан такомиллаштириш бўйича тақлифларини;

коррупцияга қарши куралиш соҳасида жамоатчилик назорати механизмларини самарали қўллашга йўналтирилган, шу жумладан қуйилганларни назарда тутувчи комплекс чора-таъбирлар бўйича “Йўл харитаси” лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва сиёсий партияларнинг ролини янада қучайтириш;

ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари олдидаги ҳисобдорлиги тартибини такомиллаштириш;

корорлар қабул қилиш жараёнида фуқаролар иштирокининг шفافоф ва самарали усулларини жорий этиш.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникациялари ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда давлат органлари, шу жумладан маҳаллий органлар томонидан расмий веб-сайтлар ва “ишочу телефонлари” дан улар фаолиятининг очиклигини ва ахборот олиш имкониятини таъминлаш воситаси сифатида фойдаланишлари устидан доимий мониторингнинг амалга оширини;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, ушбу Фармоннинг амалга оширилиши учун масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда оммавий ахборот воситалари ва интернет-ресурсларда, шу жумладан чет эл оммавий ахборот воситаларида кенг кўламли ахборот-тарғибот ишларини ташкил этиш чора-тадбирларини доимий асосда амалга ошириб, уларда таниқли олимлар, давлат органлари раҳбарлари ҳамда жамоатчилик вакилларининг чиқишларини назарда тутиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича брифинглар, интернет-конференциялар, телевизион кўрсатувларда уларнинг иштирок этишларини таъминласин;

мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳисобот бериб борсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

15. Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

ТИВ (А. Камтов), Бош прокуратура (О. Муродов), Адлия вазирлиги (Р. Даветов), НИВ (П. Бобожонов)	2020 йил 1 январьгача	Таққиний чора-тадбирлар	34. Хоржий омавий ахборот воситаларида давлат ва жамиятнинг қорғишга қарши қураштилиши, принципал позицияси тўғрисида хоржий давлатлар, инвесторлар ва фуқароларнинг тушунарчан яқинлаша қаратилган қорғишга қарши қураштилган чоралар реаллаштиришга қарши қураштилган чоралар тўғрисида махфус материаллар ёритилишини таққиний этиш.
Бош прокуратура (О. Муродов), ТИВ (А. Камтов), Адлия вазирлиги (Р. Даветов)	2019 йил 1 июлгача	Таққиний материаллар	35. Қўлини қалқаро шартномаларга қўлиниш масаласини қўриб чиқиш: Жиний фавривтан олмиган даромадларни аниқлаш, олиб қўиш ва муқоара қилиш ҳамда терропизми мовиялаштиришга қарши қураштилган бунча Конвенцияси (Варшава ш. 2005 йил 16 май), Фуқаролар, оилавий ва жиний ишлар бўйича Хуқуқий ёрдам ва хуқуқий муносабатлар тўғрисидаги МЛХнинг Кишинев конвенцияси (Кишинев ш. 2002 йил 7 октябрь).

28.	Коррупцияга қарши курашиш соҳасида янги хавф-хатар ва таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг техник жиҳозланишини такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш	Вазирлар Маҳкамаси қарор лойиҳаси	2020 йил 1 июлгача	Бош прокуратура (О. Муродов), ИИБ (П. Бобожонов), ДХХ (А. Азизов), ДБК (М. Азимов), ДСҚ (Б. Мусоев), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов)
IV. Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорлик				
29.	Коррупцияга қарши курашиш соҳасида меъерий ва ташкилий-амалий базани такомиллаштириш жараёнига халқаро ташкилотлар (БМТ НҲҚҚБ, БМТТД, ИХТТ, ЕХХТ, ШХТ, ЕОГ ва бошқалар)ни жалб қилиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2019 йил 1 декабргача	ТИВ (А. Камиллов), Бош прокуратура (О. Муродов), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов), ИИБ (П. Бобожонов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (К. Алламжонов)
30.	ИХТТнинг тавсияларини бажариш бўйича ҳар томонлама ва самарали чоралар қўриш.	ИХТТнинг тавсияларини бажариш бўйича "Йул харитаси"	2019 йил 1 июлгача	Идоралараро комиссия
31.	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси мониторинги 2-босқичига тайёргарлик қўриш ва тегишли ташкилий чораларни қабул қилиш	Ташкилий чора-тадбирлар	2019 йил 1 декабргача	Бош прокуратура (О. Муродов), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов), ТИВ (А. Камиллов)
32.	Коррупцияга қарши курашишга бағишланган халқаро форумни ўтказиш ва унда ушбу соҳадаги етуқ хорижий мутахассисларни жалб қилиш масаласини қўриб чиқиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2019 йил 15 декабргача	Бош прокуратура (О. Муродов), ИИБ (П. Бобожонов), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов), ТИВ (А. Камиллов)
33.	Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг аудиторлик халқаро ташкилотлари олий органлари (INTOSAI, ASOSAI и ECOSAI)га қўшилиши ва хорижий давлатларнинг юқори даражадаги аудиторлик органлари ва етакчи халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиши бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2019 йил 1 декабргача	Ҳисоб палатаси (О. Рустамов), ТИВ (А. Камиллов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармониغا
1-илова

2019–2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш ДАВЛАТ ДАСТУРИ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
I. Аҳолининг ҳуқуқий оғни ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш				
1.	Коррупциянинг хавф-хатарларини таҳлил қилиш асосида, аҳолининг кенг қатламларида хабардор қилиш ва оғн-билимларини оширишда мақсадли тадбирларни амалга ошириш, хусусан: мавзули аудио-, видеороликлар, баннерлар, плакатлар ва инновацион ахборот-тарғибот материалларидан фойдаланган ҳолда фуқароларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат, коррупцияга қарши курашишнинг аниқ ҳулқи шакллантиришга қаратилган, коррупцияга қарши курашиш борасида кампанияларни ўтказиш; сўровлар, иштимой ва бошқа тадқиқотлар асосида коррупцияга қарши курашиш тарғиботи ва таълими бўйича чора-тадбирлар натижалари ва таъсирини мунтазам равишда баҳолаш; ушбу соҳада кейинги чора-тадбирларни амалга оширишда баҳолаш натижаларидан фойдаланиш.	Чора-тадбирлар режаси	Алоҳида режа-жадвал асосида, 2019 йил 1 июлгача тасдиқлаш	Идоралараро комиссия, Адлия вазирлиги (Р. Давлетов), ИИБ (П. Бобожонов), Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент (Д. Рахимов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (К. Алламжонов), вазирлик ва идоралар
2.	Алоҳида мақсадли гуруҳларнинг (давлат хизматчилари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва бошқалар) коррупцияга қарши курашиш механизми ва тизими ҳақида ҳуқуқий билими ва хабардорлигини ошириш юзасидан аҳамиятга эга бўлган амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан қуйидагилар орқали:	Чора-тадбирлар режаси	2019 йил 15 июлгача	Идоралараро комиссия, вазирлик ва идоралар

	коррупцияга қарши курашиш тегинли коррупцион стандарти (ISO 37001)га мувофиқ сертификатлаштириш тартибини ўрнатди.			ривожлантириш агентлиги (<i>А. Назиров</i>), Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги (<i>Б. Хужаев</i>), "Ўзстандарт" агентлиги (<i>Д. Саттаров</i>)
22.	Коррупцияга қарши махсус тадбирларни хусусий секторга жорий этишга фаол қумаклашиш, унда куйидагиларни назарда назарда тутувчи чораларни куриш: ички назорат чоралари ва тартиб-таомилларини кучайтириш; давлат харидларида иштирок этиш буйича катъий ахлоқ қоидаларини таъминлаш; бизнеснинг коррупцияга қарши курашишдаги жамоавий тадбирларини рағбатлантириш.	Ўзбекистон бизнесининг Коррупцияга қарши курашиш хартиясининг лойиҳаси	2019 йил 1 октябргача	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш буйича вакил (<i>Д. Қосимов</i>), Савдо-саноат палатаси (<i>А. Икромов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>)
III. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, имконият яратувчи сабаблар, шарт-шароитлар ва оқибатларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш				
23.	Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар туғрисида давлат органларига ахборот бериш механизмларини такомиллаштириш, шу жумладан: фуқароларга коррупция фактлари туғрисида давлат органларини хабардор қилиш имконини берувчи мобил ва бошқа иловаларни ишлаб чиқиш; коррупция фактлари ҳақида аноним хабарларни ўрнатилган имкониятлари.	Ташкилий чора-тадбирлар	2019 йил 1 декабргача	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш. Садиқов</i>), ЛБМА (<i>Д. Ли</i>), Идоралараро комиссия
24.	Давлат органлари билан жамоатчилик ўртасидаги муносабатлар сифатини яхшилаш буйича чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ишонч телефонлари ва Call-марказлари ("тезкор алоқа линиялари") нш самарадорлиги мониторингини таъминлаш, унинг натижаларини мунтазам нашр этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2020 йил 1 апрелгача	Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (<i>К. Алламжонов</i>), ЛБМА (<i>Д. Ли</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш. Садиқов</i>),

	журналистларни тайёрлаш ўқув дастурларига "Коррупцияга қарши журналист герговни" фашини киритиш.			
5.	Коррупцияга қарши курашиш соҳасида илмий, тадқиқий ва эксперт салоҳиятини кучайтириш борасида чора-тадбирлар қабул қилиш, шу жумладан: коррупцияга қарши курашишда чора-тадбирларни амалга оширишга масъул бўлган шахсларнинг билимларини ва касбий маҳоратини мунтазам равишда ошириш; мазкур соҳада сертификат олган экспертларнинг миллий жамоасини босқичма-босқич шакллантириш; илмий-методик материалларни ишлаб чиқишга хорижий экспертлар ва маслаҳатчиларни жалб этиш; коррупцияга қарши курашиш мавзусида магистратура йўналишлари буйича ўқув дастурларини жорий этиш; миллий экспертларни коррупцияга қарши курашиш соҳаси буйича Коррупцияга қарши курашиш халқаро академияси (КҚХА) ва бошқа халқаро таълим муассасаларида ўқитиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2019 йил 1 июлгача	Бош прокуратура (<i>О. Муродов</i>), ИИБ (<i>П. Бобожонов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>), Олий таълим вазирлиги (<i>И. Маджидов</i>), ТИВ (<i>А. Камиллов</i>)
6.	Давлат органлари ва ташкилотларнинг масъул ходимлари томонидан ишга қабул қилинганидан сўнг ҳамда муайян вақт ўтганидан сўнг, касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, манфаатлар тўқнашувини бартараф қилиш ва коррупцияга қарши курашишнинг бошқа йўналишлари буйича қисқа муддатли ўқув курсларини мажбурий равишда ўтатиш тартибини жорий этиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2019 йил 1 сентябрдан	Бош прокуратура (<i>О. Муродов</i>), Олий таълим вазирлиги (<i>И. Маджидов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>), ДБА (<i>Х. Азизов</i>), ЖИДУ (<i>М. Бакоев</i>), ГДЮУ (<i>Е. Канъязов</i>), вазирлик ва идоралар
7.	Коррупцияга қарши курашиш соҳасида, куйидагиларни назарда тутадиган тадқиқотларни ташкил қилиш, жумладан: содир этилаётган коррупцияга оид жиноятларнинг ўзига хос схемасини ўрганиш асосида коррупциянинг типологиясини тузиш;	Ташкилий чора-тадбирлар	2020 йил 1 апрелгача	Идоралараро комиссия, "Ижтимоий фикр" маркази (<i>Р. Убайдуллаева</i>), ФЖШМҚМИ (<i>Р. Камиллов</i>), "Ривожланиш стратегияси" маркази (<i>Э. Туляков</i>),

	одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашиш фактлари буйича судьяларнинг Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг Суд инспекциясига аноним тарзда мурожаат қилиш тартибини жорий этиш; корруциянинг келиб чиқиш сабабларини тизимли ва чуқур таҳлил қилишни ва уларнинг олдини олишни таъминлаш.			
17.	“Прокуратура органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, шу жумладан: прокуратура органлари ва муассасаларида хизмат қилиш учун институционал механизмларни мустаҳкамлаш; кадрларни шаффоф танловлар асосида саралаб олишнинг мураккаб янги механизмни жорий этиш; манфаатлар ўқнашувини олдини олиш ва бартараф қилиш.	Қонун лойиҳаси	2019 йил 1 декабр	Бош прокуратура (<i>О. Муродов</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш. Саидов</i>)
18.	Корруция ва солиқ таваккалчилигини бартараф этиш буйича чора-тадбирларни назарда тутган ҳолда, ўрта муددатли ва узок муددатли даврда солиқ хизматини стратегик бошқариш механизмларини жорий этиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2019 йил 1 декабр	ДСҚ (<i>Б. Мусоев</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>), Меҳнат вазирлиги (<i>Ш. Қудбиев</i>), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (<i>Б. Хўжаев</i>), Бош прокуратура (<i>О. Муродов</i>)
19.	Куйидаги чораларни амалга ошириш орқали коррупцияга қарши курашиш соҳасида парламент назорати самарадорлигини ошириш, бунда: қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш, уларда коррупцияга шароит яратадиган қонун ва нормаларни аниқлаш; барча даражадаги давлат органлари раҳбарларининг маълумотларини эшитиш;	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари Кенгаши қўшма қарори лойиҳаси	2019 йил 1 октябр	Олий Мажлис палаталари – келишил асосида (<i>Н. Исмаилов</i> , <i>Н. Йўлдашев</i>)

	жамоатчилик билан қайта алоқа механизмлари, шунингдек жамоатчилик фикрини сўров қилиш натижалари.			
9.	Корруцияга қарши курашиш буйича чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида, шу жумладан халқаро экспертлар иштирокида семинарлар, “давра суҳбатлари” ва конференциялар ўтказишни назарда тутадиган халқаро мезонлар ва илғор чет эл тажрибаларини жорий этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2020 йил 1 апрел	Идоралараро комиссия
10.	Куйидагилар ёрдамида, коррупцияга қарши курашиш чораларини ишлаб чиқиш ва бажариш жараёнида фуқаролик жамияти институтларини янада жалб қилишда мақсадли тадбирларини амалга ошириш: давлат органлари билан ўзаро муносабатлар ва қайта алоқани мустаҳкамлаш механизмларини кучайтириш; ижтимоий шериклик доирасида давлат органлари, шунингдек, жамоат кенгашлари фаолиятига фуқаролик жамияти институтларини жалб этишнинг шаффоф ва объектив мезонларига асосланган механизмларни белгилаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2020 йил 1 апрел	Идоралараро комиссия, Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>), ФЖШМҚМИ (<i>Р. Қамбаров</i>), “Ривожланиш стратегияси” маркази (<i>Э. Туляков</i>), ЎзННТМА (<i>А. Каримов</i>), вазирлик ва идоралар
II. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш буйича чора-тадбирларни амалга ошириш				
11.	Куйидагиларни назарда тутувчи, “Давлат молиявий назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш: бюджет жараёнининг ҳар бир босқичида ташқи ва ички молиявий назорат ҳамда аудитнинг вазифалари ва мақсадини бир-бирдан ажратиш; низоом жамғармасида давлат улуши бўлган ташкилотларда давлат молиявий назоратини амалга ошириш; молиявий, шу жумладан, коррупцияга оид жиноятларни ўз вақтида аниқлаш.	Қонун лойиҳаси	2019 йил 1 сентябр	Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>), Ҳисоб палатаси (<i>О. Рустамов</i>), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (<i>Б. Хўжаев</i>), ЛБМА (<i>Д. Ли</i>), Бош прокуратура (<i>О. Муродов</i>), Давлат активларини бошқариш агентлиги (<i>А. Хайдаров</i>), Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги (<i>А. Назиров</i>)
12.	Идоралар фаолиятининг молиявий натижаларини очиқ берадиган, ички ҳамда ташқи аудит соҳасини белгилаш йўли орқали амалга оширилаётган назоратнинг самараси ҳақидаги маълумотлар,	Қонун лойиҳаси	2019 йил 1 сентябр	Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>), Ҳисоб палатаси (<i>О. Рустамов</i>), Иқтисодиёт ва саноат

